



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 18 июль, № 141 (4551)

Жума

ҲАРБИЙЛАРГА ҒАМХЎРЛИК — ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов
17 июль куни Бухоро вилоятининг Когон туманида бўлди.



Авал хабар берилганидек, 2008 йил 10 июль кечаси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Бухоро вилояти Когон туманида жойлашган ҳарбий қисмининг ракета-артиллерия омборида ўт чиққан ва у омборда ёнган юз бериши ҳамда ўқ-дориларнинг портлашига сабаб бўлган эди. Айни вақтда вазиятни бартараф этиш, зарур хавфсизлик чораларини таъминлаш ва жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича ҳукумат, Миллий хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа тузилмалар раҳбарларидан иборат ҳукумат комиссияси фавқулодда воқеа содир бўлган жойда иш олиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳукумат комиссиясининг Когон туманида бўлиб ўтган йиғилишини бошқарди. Йиғилишда фалокат сабабларини аниқлаш билан

боғлиқ ишларнинг бориши, содир бўлган воқеа оқибатларини бартараф этиш бўйича қўриқлаётган зарур чора-тадбирлар ҳақида тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Шу ҳудудда ишлайётган ҳарбий хизматчилар хавфсизлигини таъминлаш, воқеа содир бўлган жойнинг яқинида яшайдиган ва хавфсиз жойга кўчирилган аҳолига тегишли муҳим вазирлик ва маънавий қўмак бериш, жабр-

ланганларга зарур тиббий ёрдам кўрсатиш борасидаги ишлар муҳоама қилинди. Бу борада амалга оширилган ишларни аниқлаш билан таҳлил қилиш зарур экан, Ислам Каримов, аввало, мавжуд вазиятни ҳар томонлама чуқур тасаввур қилиш ва рўй бериши эҳтимоли бўлган салбий ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича барча зарур чораларни қўриш лозимлигини ўқтирди. — Бунда ҳар бир ишни пух-

та ўйлаб, аниқ таҳлил ва қатъий меъёрлар асосида бажариш муҳим аҳамиятга эга, — деди Юртбошимиз. — Биринчи навбатда, воқеа содир бўлган жой атрофида яшайётган аҳолининг, ўз хизмат бурчини бажарётган ҳарбийларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз керак.

Рўй берган бу воқеанинг асосий сабаби шундаки, совет даврида барпо этилган мазкур ўқ-дори омбори бундай объектлар учун белгиланган норматив талабларни инобатга олмасдан қурилган.

Бугун афсусланиб айтиш кераки, жанговар снаряд ва ўқ-дорилар сақланган бу омбордаги ахвол, портловчи моддаларнинг қандай сақланаётгани, уларнинг эртага қандай хавф етказиши мумкинлиги, бундай объектлардаги тартиб-интизомнинг ҳолати тўғрисида тегишли мутасадди ташкилотлар, аввало, Мудофаа вазирлиги етарлича эътибор ва масъулият кўрсатмаган. Кўп нарса ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бундай ўта муҳим объектни қўриқлайдиган, унинг хавфсизлигини таъминлайдиган ҳарбий қисм раҳбарияти ва ходимларини танлаш, жой-жойига қўйиш масаласига соғуқчилик билан қаралган.

Когон туманида содир бўлган ушбу фавқулодда ҳодиса ва унинг сабаблари, етказилган зарар оқибатларини аниқлаш бўйича ҳозирги кунда Бош прокуратура ва мутасадди органлар томонидан тергов ишлари олиб борилаётган ва ўз вақтида керакли ҳулосалар чиқарилади ва жамоатчиликнинг маълум қилинади, — деди Ислам Каримов. — Мақсад — ҳақиқатни аниқлаш, бундай фалокатлар қайтарилмаслигининг олдини олиш учун зарур барча чора-тадбирларни қўриш.

Йиғилишда муҳоама қилинган барча муҳим ва дол-

зарб масалаларни ўз вақтида ва пухта бажариш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига топшириқлар берилди.

Шундан сўнг Президентимиз Ислам Каримов мазкур ҳудудда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қарашли вертолётчилар ҳарбий қисмида бўлиб, бу ерда ҳарбийларнинг хизмат вазифини ўташи, дам олиши, спорт билан шуғулланиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун яратилган шароитлар билан танишди. Ҳарбий хизматчилар билан суҳбат чоғида уларнинг хизмат фаолияти, оилавий аҳоли билан қизиқди.

Ислам Каримов ҳарбий қисм жойлашган ҳудудни ободонлаштириш ва кўчаларнинг яратилиши, тегишли инфраструктуралар яратиш юзасидан кўрсатмалар берди.

«Ислохотлар — инсон учун!» деган эзгу гоямизни ҳарбийлар учун ҳам тўла татиқ этишимиз, уларнинг хизмати ва турмуши учун зарур барча шароитларни яратиш беришимиз шарт, бунинг учун давлатимизнинг салоҳияти ва маблағи етарли, — деди Президентимиз пировардида. — Ўзини Ватан ҳимоясидек олижаноб ва шарафли ишга бағишлаган ҳарбий хизматчиларнинг машаққатли меҳнатини ҳар томонлама қадрлаш, уларга давлат ва жамоатчилик томонидан доимо ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш — Қуроли Қўларимизнинг жанговар салоҳияти ва қўчқудратини юксалтиришнинг асосий шарты ва гаровидир. Бу ишдан Ўзбекистонда яшайётган ҳар бир инсон четда турмайди, деб ишонаман.

(Ў.А.)
СУРАТДА: ташриф пайти, Фарҳод ҚУРБОНОВ олган сурат.

«КАМОЛОТ»: ҲАМКОР ВА ҲАМНАФАС

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида маънавий-маърифий жабҳада олиб борилаётган ислохотлар жараёнида бу борадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилаётган. Ушбу йўналишда ишлаб чиқилган дастур ва лойиҳалар, хусусан, «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорликда изчил иш олиб бораётган. Жумладан, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати ўзининг бу борадаги фаолиятини ташкил этишда таъсирчан услуб ва воситаларни топишга, ёшлар орасига янада чуқурроқ кириб бориш, йигит-қизларимиз билан барча жабҳаларда ҳамнафас бўлиш ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратаётган.

Бундай фаолиятни амалга ошириш эса етакчилардан катта маҳорат ва билим талаб этади. Шу боис ёшлар ташкилотларида фаолият юритиётган мутахассисларнинг бу борадаги билимини янада ошириш, мустақил фикрлаш ва ташаббускорлик дастур ва лойиҳалар, хусусан, «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорликда изчил иш олиб бораётган. Жумладан, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати ўзининг бу борадаги фаолиятини ташкил этишда таъсирчан услуб ва воситаларни топишга, ёшлар орасига янада чуқурроқ кириб бориш, йигит-қизларимиз билан барча жабҳаларда ҳамнафас бўлиш ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратаётган.

«Миллий ли» босларимиз ва замонавийлик» мавзусига бағишланган анжуманлар ташкил этилмоқда. Бундай тадбирларда ёшларимиз ўз кўллари билан яратётган миллий либослар намойишига кенг ўрин берилаётган.

Жумладан, Тошкент ислом университети олим ва мутахассислари билан ҳамкорликда тузилган тарғибот гуруҳи томонидан жойларда ўтказилаётган илмий-маърифий анжуманлар ва давра суҳбатларида фильмлар, рисолалар, курғазмалар қўриллардан самарали фойдаланилаётган. Чунинки, Фарғона вилоятида ушбу мавзуда юздан зиёд учрашув, мулоқот ва конференциялар ўтказилди. Пойтахтимиздаги олий таълим муассасаларида ўтказилган анжуманларда эса турли диний оқимлар ва миссионерликнинг асл мақсади, бундай иллатларнинг инсоният тараққиёти ва

2008 йил —
Ёшлар йили

(Давоми 2-бетда.)

УЙИМИЗ ДОНГА, КЎНГЛИМИЗ ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

Куни кеча Президентимизнинг галлакорларга йўллаган табриги кўнглимизни фахр-ифтихор ҳиссига тўлдирди. Мамалякатиимиз галла хирмонида Денов туманимиз, қолаверса, фермер хўжалигимизнинг ҳам муносиб улуши бор.

Жорий йилда 18,5 гектар ерда бугдойнинг «Крошка» навини парвартиладик. Бу нав худудимиз тупроқ иқлимга жуда мос. Меҳнатидан қочмасангиз, ҳосилни унда-ломай қоласиз. Ҳозирги пишкўчлик мавсумида биз томонларга келинг, бунга ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Юқори ҳосилни тасаввур қилолмасдик. Уйга бир сиким бугдой олиб кетишни хаёлимизда ҳам келтира олмасдик. Давлатимиз раҳбари аниқ айтди. Бу йил 3 миллион 300 минг тоннадан ортиқ галла деҳқон, фермер хўжаликлари ва аҳоли ихтиёрида қолибди!

Табриқни эшитаянман-у, куз олдимида ерга дон сочганимиздан то ҳосилни ўриб-янчиб олганимизгача бўлган жараён бир-бир ўта бошлади. Юртбошимиз айтганидек, бу йил ҳосил яратиш осон кечмади. Қиш қаттиқ қурғоқчил келди, тагин табиий офатлари билан табиат яна бир бор синовдан ўтказди. Ана шундай вазиятдан давлатимиз ғамхўрлиги, деҳқонларимиз омилкорлиги боис ўтиб олди. Кўнглимиз қувончга, уйимиз донга тўлди. Чарчоқларимиз чиқиб кетди. Меҳнатнинг шарофатини яққол ҳис қилдик.

Хикоят КЎЧАРОВА,
Денов туманидаги «Асонов Али Мирзоевич» фермер хўжалиги раҳбари.

Заминимизнинг саховати бошқача-да. Ҳозир айни пишкўчлик. Шоҳлари ҳосилдан ларзон-ларзон боғлар, палаклар орасида шакарпалак ва босволди юмалаб ётган поллиз, ҳар гуҷуми бир одамни тўйдирадиган сершира узумлар шокиладай осилиб турган тоқзор — барчаси борлигини ҳазрати инсонга тортиқ этаётгандай. Бозордаги сөрбичлик, арзончилик ана шундан.


ОНА-ЗАМИН САХОВАТИ

Кузани яшнатадиган бу манзараларга боқиб, эл ризқи-насибаси бўлган неъматларни яратётган боғ-бунго соҳибкор, галлакорнинг беёмин-нат меҳнатига беихтиёр тасанно, деб юборасиз.

Боғга тўла бу боғлар, бепоён тоқзор ва поллиз майдонлари юртимизда ҳуррият насимлари эса бошлагандан кейинги йилларда чинкам соҳибини топди. Шу боисдан қишлоқ мулкдорининг қадрига етмади, гуллаб-яшнаши учун меҳнатини аямайди, ерининг ҳар қаричини, ҳар бир кўчати кўз қорачидай эъзолайди. Бу табиий ҳол. Ахир, эгаллик ҳуқуқини қўлга киритиш осон кечми? Қолаверса, бир пайтлар замона зайли билан ҳосилга кир-

ган меваги боғидан-да воз кечгани, унинг ўрнига, ҳатто, уйнинг остона-сигача пахта экгани кечадигек кўз ўнгидан турган бўлса.

Наманганнинг олмаси фўқат қўшиқларда қолган пайтлар бўлди. Алоҳа шукр, мустақиллик туфайли боғларимиз ўзимизга қайтди, — деди чортоқлик Қодиржон Худоев. — Бир пайтлар отам бригадирлик қилган жўдан 2 гектар олмасорни олиб, фермер хўжалиги ташкил қилдик. Бу ерда меваси келаси йил Наврўзигача сақланиб турадиган 200 туп олма дарахти бор. Парвартишини жойига қўйиб, йилга 20 тоннадан ошириб ҳосилга олаёмиз. Собиқ ширкат хўжалиги тасарруфиди бўлганда, ушбу олмасорнинг



ҳосили гектарыга 80-100 центнердан ошмасди. Боғни боқсанг, боғ бўлар, деганларини рост экан. Ҳар туп дарахтга бўлган алоҳида эътибор ва парвариш тезда самарасини берди. Бултўр ҳосилдорлик 250 центнерга кўтарилди. Териб олинган олманинг ўн тоннаси тумандаги «Марвел Джус Ко» қўшма корхонасига қайта ишлаш учун топширилди, маълум қисмини қиш учун сақлаб, қолганини бозорга чиқаришди. Даромад ҳам чакки эмас — 9,6 миллион сўмни ташкил этди, унинг ярми соф фойда.

(Давоми 2-бетда.)

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ — УСТУВОР

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 1 майда имзоланган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, жойларда илмий анжуманлар, мутахассислар билан давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Гулистон шаҳрида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, қонун устуворлигини таъминлашга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Фўқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Сирдарё вилояти филиали томонидан ўтказилган тадбирда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб барча соҳалар қатори, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, жинсий ҳазорларни либераллаштириш борасида ҳам кенг қўламли илохотлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги эзгу ишлар замирида, энг аввало, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва манфаатларини таъминлаш омили муҳимдир.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йилдан қўлга кирган Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда қамқоқ олишга санкция бериш

ҳуқуқининг судларга ўтказилишига оид фармонлари ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги намуналаридир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида илгари сурилган эзгу гоялар ва тамойиллар миллий қонунчилигимизда, ҳалқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга қаратилган меъёрий ҳужжатларда яққол ўзифодасини топтомоқда. Айни пайтда жойларда мазкур муҳим ҳалққаро ҳужжат мазмун-моҳиятини аҳоли, хусусан, ёшлар онги ва тафаккуринга чуқурроқ сингдириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда жамоат таянчи бўлган ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, бу борадаги тарғибот ишларини қўчатиришга оид масалалар муҳоама этилди.

Д. ЭСОНОВА,
Ў.А. мухбири.

Корхона қуввати ошмоқда

Самарқанд туманидаги «Стеклопластик» очик турдаги акциядорлик жамияти бир пайтлар фақатгина спорт қайиқлари ишлаб чиқарар эди. Эндиликда бу ерда 150 дан ортиқ турдаги махсус мебеллар ва спорт ускуналарни тайёрланапти. Корхона 2005 йилда Осие Тараққиёт банкнинг таълим тизими лойиҳасида иштирок этиб, каттагина сармоёга эгалик қилгани унинг имкониятларини янада оширди. Уш йилнинг ўзига акциядорлик жамияти ISO 9001-2000 халқаро сифат сертификатига лойик қўрилди. Бу ишлаб чиқарилаётган махсулотлар сифати юқори даражадалигининг эътирофидир.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

2008 йилнинг дастлабки олти ойида «Узқурилишматериаллари» компанияси тизимидаги корхоналарда 266,0 миллиард сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқарилиб, 103,2 фоиз устига оранишилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида кўплаб турдаги янги махсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилаётгани, корхоналар замонавий технологик линиялар билан қайта жиҳозланаётгани натижасида махсулот тайёрлаш ҳажми тобора ортиб бормоқда.



Хабарингиз бор, куни кеча матбуотда мамлакатимиз парламенти томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар қилиш ҳақида"ги Қонун эълон қилинди. Шу билан халқимизга хос бағрикенглик, меҳрибонлик намунаси бўлган амалдаги Қонуннинг янги тахрири кучга кирди.

ник воситалари давлат томонидан бепул этикази берилади. Сўхбатдошимизнинг айтишича, ногиронлар ҳаётини янада яхшилашга қаратилган янги ижтимоий технологиялар ҳам жорий қилинмоқда. Уларга реабилитация техник воситаларидан вақтинча фойдаланиш бўйича прокат

Қонуннинг янги тахрири мукоамасида иштирок этган сенатор Ҳамротов Шодиевнинг таъкидлашича, ушбу ҳужжатга киритилган ўзгартишлар ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий йўналишларини белгилаётган доир қондаларни Қонунда алоҳида ажратиб кўрсатишни назарда tutади. Бу

муассасаларида олиши мустаҳкамланган. Агар болаларнинг соғлиги уларнинг бундай муассасаларида бўлишига ҳалақит берса, ихтисослаштирилган ўқув масканларида, шу жумладан, интернат уйларида таълим олиши қайд этилган. Қолаверса, ногирон болаларнинг мактабдан ташқари, оиладаги таълими, уларни стационар муассасаларида тарбиялаш ва ўқитиш ҳам Қонунда ўз ифодасини тогган.

Ногиронларга ва ногирон фарзандлари бор оилаларга уй-жой бериш, уларнинг уй-жой олиши, қуриши ва ундан фойдаланиши бўйича имтиёзлар уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларида кўрсатилиши қайд этилади. Болалиқдан ногиронларга ҳамда бошқа I ва II гуруҳ ногиронларига турархона уларнинг иш жойлари, даволаш-профилактика муассасаларига ва транспорт йўналишларига яқин бўлиши зарурлиги ҳисобга олинган ҳолда берилиши ҳам белгиланган.

Интернет уйларида ёки ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг бошқа стационар муассасаларида турадиган етим ёхуд ота-она қарамонидан мажбур бўлган болалар воёга етганидан кейин, ногиронли реабилитация қилишнинг яқна тартибдаги дастурига мувофиқ, агар ўзига ўзи хизмат кўрсатиш ва мустақил турмуш олиш бориш имкониятига эга бўлса, уй-жой майдони билан наватдан ташқари таъминланади. Қолаверса, уларга дори-дармонлар, техник воситалар бериш, шунингдек, маиший хизматлар ва транспорт хизматлари кўрсатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бепул ёки имтиёзли шартлар асосида амалга оширилади.

Ҳа, юқорида ҳамусубатларимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизда ногиронларни ижтимоий ҳимоялашнинг адолатли принциплари ҳаёта татбиқ этилган. У ҳеч кимни камситмайди, кўнглини оғритмайди. Зотан, бундай принцип минг йиллар давомида шаклланиб келган меҳр-оқибат ҳисобга олинган. Янги болалар, иншоотлар ва мажмуаларни қуриш учун лойиҳа ечимларини тайёрлаш тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Шунингдек, янги тахрирдаги Қонунда ногиронларнинг таълим олиши, касб тайёргарлиги ва малакасини ошириш шакллари ҳам белгиланган. Чўнон, ногирон болалар мактабгача бўлган сабоқни мактабгача таълим

ОНА-ЗАМИН САХОВАТИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Наманганлик фермерлар етиштираётган мева-чевавлар йилнинг тўрт фаслида бозорни обод, эл дастурхонини тўкин қилипти, рўзгорига эса фазл, баракка киритаётди. Орттириб, тўй-тўйчиғини ўтказишти, замонавий уй-жой тиклаб, мебель, автомашина сотиб оляпти. Бундан ташқари, худуддаги ижтимоий масалалар ечимига ҳам ҳоли қудрат кўмаклашяпти ба.

— Қишлоқ аҳли турмуши фаровонлигининг орттириш, қўй-хатдан, фермернинг ҳўжалик юртиши, тасарруфидоги экинзордан самарали фойдаланиб, мажбуриятларини нечоғли бажаришига боғлиқ, — дейди турархоналик Аҳмадхон Иброҳимов. — Мулкдор сифатида имконияти кенгайгани сари кишининг хайрли юмушлар, савоб ишлар рағбати ҳам ортар экан. Бултўр 15,5 миллион сўм даромад кўрганлик, худуддаги мактаб таъмирига кўмаклашдим, ундан орттириб маҳалламиздаги Нурилло Холдоров хонадонига соғини ситир олиб бердим.

Ҳаёт бугун фермерни қишлоқ иқтисодиётининг ҳақиқий устунига айлантди. Унинг дунёқараши ҳам шунга яраша, эртанги кунни анжқ ҳисоб-китоб қила олади. Эртанги кун эса унинг олдида жаҳоннинг илғор мамлакатларидаги ҳамкасблари сингари етиштирган ҳосилини ўзи қайта ишлаш, бозорга тайёр маҳсулотни чиқариш вазифасини қўйибди. Абдалли йил кўзида пойтахтда ўтказилган қишлоқ ҳўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг ихтисослаштирилган халқаро кўргазма-савдосига Наманган вилоятидан борган 400 дан ортик фермер ва тадбиркорлар орасида йирик шартнома тузганлардан бири янгиқўрғонлик Мирзаабдукарим Рўзиев бўлди.

«Зангир» фермер ҳўжалигининг раҳбарига Хитойда ишлаб чиқарилган қуруқ мевани қайта ишловчи ихчам ускуна ёқиб қолди. Нархи 242,9 миң АҚШ долларига тенг экан.

— Соатига 3-5 тонна хом ашёни тайёр маҳсулотга айлантиришга қодир бу техника айни бизбоп экан, — шерикларига фикрини айтди у. — Лизингга расмийлаштирилиши туфайли тўлов масаласида муаммо бўлмайдди. Уч-тўрт йил ичида ўзини қоплайди.

Ушунда тўғри қилган экан. Олма, нок ва бошқа мевалар саноат асосида қуриб қадоклангани болбоннинг ҳаменига кўпроқ баракка киритиши қисқа фурсатдаёқ кўзга ташландиқ қўйди. Узининг бир ярим гектар олмазоридоги ҳосил урвоқ

ҳам бўлмай қолди, қолганини атрофдаги болбон фермерлардан оляпти. Маълумотларга қараганда, Наманганда етиштирилган мева-сабзавотнинг 100 миң тоннадан ортки қайта ишлаш корхоналарига топширилар экан. Айни пайтда вилоятда 30 га яқин шундай корхоналар фаолият кўрсатяпти экан бўлса, уларнинг 18 таси М. Рўзиев сингари фермер ва тадбиркорларга тегишли. Шу йўналишга ихтисослаштирилган «Тир-Тор», «Марвел Джус Ко», «Ширинлик» сингари қўшма корхоналар маҳсулотларини катта қисми хориққа жўнатиляпти.

Боғдорчилик — наманганликларга ота мерос. Бу тармоққа Юртбошимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилаётгани боис тобора ривожланиб бораляпти. Президентимизнинг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан 29 та ширкат ҳўжалиги тугатилиб, 6332 та фермер ҳўжалиги ташкил этилгани ютуқлар омилли бўлди. Чўнки уларнинг 4742 таси узумчилик ва боғдорчиликка ихтисослаштирилган бўлиб, тасарруфидо 14686 гектар бол-роғ бор. Муқояса учун бир мисол: бундан ун йил аввал тизимдаги собиқ ширкат ҳўжаликларида бор-йўғи 82,5 миң тонна маҳсулот етиштирилган бўлса, фермерлар бултўр бу кўрсаткични 229,1 миң тоннага ёқизишти. Энг муҳими, вилоят бўйича 20 миң тонна маҳсулот экспортга чиқарилиб, 3 миллион АҚШ долларидан ортик валюта тушумига эришилди.

Яқинда телевизорда Японияга сафарга борган ҳамюртларимиздан бири гапириб қолди. Айтишига қараганда, кўнжар мамлакатда юрағи бир оз безовта қилибди. Шифокорлар дастлабки ёрдами кўрсатишгача, «Мана бунчи истемьол қилинг», дея қроғоз ёзиб беришибди. Дориқондан олган ихчамгина қўпчани очиб қараса, ўзимизнинг субхони ўрқининг ялтираган туршағи экан!

Айтмоқчимизки, ўлкаимизни жаннат деганларча бор. Оламшумул кашфиётлари, топқирлиги билан жаҳонни лол қолдираётган японларки унда битган меванинг қоқисигача кўзга суртиб, ноёб дори сифатида истемьол қилишар экан, бу неъматлар билан тағтан болларни гуллаб-яшнаши, болбон қадрини кўтариш борасида амалга оширилаётган хайрли юмушларга таҳсин айтса арзийди.

Кудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ислохот

сый тадбиркорлиқни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётгани 2008 йилнинг ўзида туман маҳаллий бюджетига қўшимча равишда 34,2 миллион сўм маблағ тушишини таъминляпти. Бу кўрсаткич 2010 йилга келиб 250,9 миллион сўмга етади.

Айтиш жоизки, солиқ йиғувчанлик даражасини ошириш, яқна тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини қўлайтириш ва уларни солиққа тортиш туфайли ҳам маҳаллий бюджет даромадлари йил сайин ошиб бораверди.

— Фермер ҳўжалигимиз тасарруфидо 64,4 гектар ер бор, — дейди «Ойсулу» фермер ҳўжалиги раиси Рўстам Санаев. — Дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланяптимиз. Утан йили ушбу тармоқлардан 9872,7 миң сўм соф фойда олдик. Бу аввалги йилдагига нисбатан 5097,5 миң сўмга кўпдир. Агар барча фермерлар мана шундай юқори натиқага эришса, туманимиз тез орада ўзини иқтисодий жиҳатдан ўнглаб олиши мумкин.

Туманда бундай иқтисодий имкониятлар кенгайиб бораётган тадбиркорлар, фермерлар сони тобора кўпаймоқда. Мажбур саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари фаолиятида олға силжиш кўзга ташланапти. Бу Нарпайда боқиманда қилинганда кўтулиш, аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш борасида жиддий ишлар амалга оширилаётганидан далолатдор.

А. САТТОВОВ.

МЕҲР-ОҚИБАТ — ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ АСОСИ

Дарҳақиқат, меҳр-оқибат — қонқонилимизга синган, бутун тарбия-таомилимизга маънавиятимиз инъикоси бўла олган қадриятдир. Президентимиз "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарига "Меҳр-оқибат — аввало, инсоннинг инсон билан, қўшининг қўшин билан, қариндошнинг қариндош, оиланинг оила билан, энг муҳими, шахнинг жамият билан уйғун бўлиб яшашини, етим-есир, бева-бечора ва ногиронларга, мусофиларга саховат кўрсатиш, сидқуддилдан, бегараз ёрдам беришни англатади", деб ёзганда халқимизнинг мана шу жиҳатини эътироф этади. Зотан, меҳр-оқибат надиҳаси эгаси юрт — бахтли, фаровон дор, меҳр-оқибатли миллат — кўчли миллатдир.

Мана шу ҳақиқат Юртбошимиз раҳнамолигидо олиб борилган ислохотларнинг марказида бўлди, десак муволафаси йўл. Чўнончи, мамлакатимиз тараққиёт йўли — "Ўзбек модели" дан беш тамойилнинг бири сифатида кўчи ижтимоий ҳимоя мустаҳкам ўрин эгаллади. Бу борадаги ишларнинг изчиллик билан олиб борилаётгани, айниқса, кўнгли ўқиб инсонларни — жисмоний имконияти чеklangанларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, уларнинг маиллат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштироки учун барча шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

— Бугун мамлакатимизда ногиронларга эътибор катта, — дейди Ўзбекистон ногиронлар жамияти раҳбари Ойбек Исоқов. — Давлатимиз уларнинг барчасига зарур моддий ва маънавий кўмакни аямаяпти. Биргина мисол: жамиятимизнинг 100 миңдан ошққ азёсоси бор. Уларни ҳимоялаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам эътирофга молик. Жисмоний имконияти чеklangанларни нафақат моддий қўллаб-қувватлаш, балки иш билан банд этиш, фаоллигини ошириш, жамиятга интеграциялашувини қўлайтиришга, умуман, ногиронликнинг олдини олишга қаратилган қатор дастурлар амалга оширилмоқда. Хусусан, яқиндагина Болалиқдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туман ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури қабул қилинди.

Маълумотларга қўра, мамлакатимиздаги 33 та "Саховат", "Муруват" уйларида қарийб 8 миң нафар ёлғиз пенсионер ва ногирон давлат томонидан тўлиқ таъминотта олинган. Уларга белгиланган тартибда тиббий, ижтимоий ва маиший хизмат кўрсатишмоқда. — Жойларда ташкил қилинган 11 та ногиронларни реабилитация қилиш марказларида ҳар йили 16 миңдан зиёд ногирон тиббий-ижтимоий реабилитация амалиётларидан фойдаланмоқда, — дейди Республика "Нурониюлар" жамғармаси раиси, Сенат азёсоси Эркин Боқибоев. — Шунингдек, 7 та уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийларида ҳар йили 20 миңдан зиёд кексалар, пенсионер ва ногиронлар ўз соғлиқларини тикламоқдалар. Ҳар йили қарийб 15 миң нафар ногиронларга протез-ортопедия маҳсулотлари ҳамда реабилитация тех-

пунктлари, ногиронлар учун мулоқотда бўлиш ва хордиқ чиқариш марказлари, имконияти чеklangан кишиларга бепул транспорт хизмати кўрсатиш, "Ижтимоий томорқа", узоқ қишлоқ ва овулларда истиқомат қилаётган ногиронларга "Ижтимоий хизмат кўрсатиш тезкор гуруҳи" тизимлари қиради. Бу борада, шунингдек, янги тахрирдаги Қонуннинг кучга кириши ҳам муҳим

лар жумласига ногиронларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳўқуқ ва имкониятлари тенглигини таъминлаш, давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг ногиронлар ҳўқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофазалаш борасидаги фаолиятининг ошқоралигини ҳамда очқ-ойдинлигини қароғлатлаш, бу борадаги давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижкорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш қабиллар қиради.

— Қонунда ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектига тўқунлиқсиз кириши, транспортдан, алоқа ва ахборот воситаларидан эркин фойдаланиши учун шароит яратиш мажбурияти белгиланган, — дейди сенатор. — Мазкур қонунда ривожланиш учун жаобгарлик белгиланиши эса юқоридаги талабнинг баҳарлигини қароғлатлайди. Аҳоли пунктларини лойиҳа, алоқа ва ахборот воситаларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришда ногиронларнинг эҳтиёжлари ҳисобга олинган. Янги болалар, иншоотлар ва мажмуаларни қуриш учун лойиҳа ечимларини тайёрлаш тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Шунингдек, янги тахрирдаги Қонунда ногиронларнинг таълим олиши, касб тайёргарлиги ва малакасини ошириш шакллари ҳам белгиланган. Чўнон, ногирон болалар мактабгача бўлган сабоқни мактабгача таълим

Қобил ХИДИРОВ.

БИОЛОГИК УСУЛ САМАРАСИ


Фарғона вилоятида қишлоқ ҳўжалиги экинлари зараркунандаси ва касалликларига қарши курашиш борасида самарали ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, бу борада вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази томонидан қишлоқ ҳўжалик экинлари кушандаларига қарши кимёвий ва биологик усулда курашиш бўйича биологик лаборатория фаолияти яхши йўлга қўйилган.

Интилиш

Бугунги кунда вилоятнинг барча гўза майдонларида зараркунандаларга қарши биологик ва кимёвий ишловлар ўтказилаётди. Айниқса, Тошлоқ туманида 7400 гектар майдондаги гўза кўчатлари парвариши агротехника қондалари асосида олиб борилаётгани ҳосилга ҳосил қўшмоқда. Тумандаги ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди тасарруфидоги 10 та биологик лаборатория 385 та фермер ҳўжалиги билан шартномалар имзолаган.

СУРАТДА: лаборантлар Садоқат Зоқирова ва Юлдузхон Сотволдиева иш устида.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ўза) олган сурат.



«КАМОЛОТ»: ҲАМКОР ВА ҲАМНАФАС

(Давоми. Боши 1-бетда).

жамият ривожига етказадиган салбий таъсири ҳақида сўз борди. Ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимиздаги "Ешлик" талабалар шахарчасининг Маънавият-маърифат марказида бўлиб ўтди. Ешларда миллатлар ва динлараро бағрикенгликни шакллантиришнинг аҳамиятига бағишланган анжуманида "Мамлакатимизда виждон эркинлигининг ҳўқуқий асослари", "Ешлар ўртасида миллатлараро тотувлиқни мустаҳкамлашда миллий маданият марказларининг ўрни", "Пра-вослав ва ислом динларининг ўзаро муносабатлари", "Ислом динида эътиқод эркинлиги ва бағрикенглик", "Синь-сийлашган диндорлик — бағрикенглик кушандаси" сингари мавзуларда маъна-рузалар тингланди. Тадбирда намойиш этилган "Оғолик" ҳужжатли фильми ешларнинг бугунги кунда халқро май-воридан рўй бераётган мафқуравий, гонимий ва информация курашларининг асл моҳияти ҳақидаги тасавурини янада бойитди.

"Камолот" ешлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Мақамаси ҳузуридоги Дин ишлари бўйича қўмита ва Тошкент ислом университети билан ҳамкорликда ўтказган "Миллий ва диний қадриятлар — ешлар нигоҳида" мавзусидаги форум талабаларнинг бу

Президентимиз Вазирилар Мақамасининг 2007 йил якунларига бағишланган йиғилишида ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида таъкидлаганидек, ҳали вилоятнинг бир қатор туманларида иқтисодиётни барқарорлаштириш, маҳаллий бюджетни тўлдириш борасидаги имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаляпти. Янги қўшма корхоналар ташкил этиш ҳисобидан тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга йиллар мобайнида эътибор сўст. Мустақиллик йилларида пахтачилик, галгачилик ва қишлоқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларида мамлакатда ўзига эга бўлган Нарпайнинг ҳам айнан шундай туманлар сафидо эканлиги ачирнарлидир.

Дарҳақиқат, ўтган йилларнинг моллявий натижалари шунки кўрсатаяптики, туманда маҳаллий бюджет даромадларига нисбатан сарфланаётган харажат миқдори ошиб кетиб, ўртадаги фарқ давлат ҳисобидан қопланмоқда. Мажбур саноат корхоналарнинг 18 таси, хусусийлаштирилган корхоналарнинг 6 таси иш фаолиятини тўхтатгани, хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш, экспорт ҳажминини ошириш борасидаги харажатлар сустиғи бунга сабаб бўлмоқда. Ҳаттоки, айрим тадбиркорлар банклар томонидан ажратилаётган кредит маблағларидан ўринли фойдаланолмаляпти.

Эндиликда туман боқимандаликдан қутулиши керак. Унинг бу борада қандай имкониятлари бор? — Юртбошимизнинг фикрлари асосида ўтган йиллар натижалари чуқур таҳлил қилиниб, боқимандаликни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилан олдинди, — дейди туман ҳокими ўринбосари Фахриддин Оминов. — Ҳисоб-китобларимизга қўра, 2008 йилда маҳаллий бюджетнинг шаклланиши бўйича қўпайиётган даромад орасида, у амалда қилингандаги харажатларни қопламайдди. Бу дотация улushi 11,4 фоизда қолади, деган сўздир. Бир йилдан сўнг у сезиларли даражада қамайиб, 3,6 фоизни ташкил этади. 2010 йилга келиб эса, аҳоли жон бошига қили-

ИМКОНИЯТ БОР, ФАОЛЛИК ЗАРУР

надиган харажатларга нисбатан олинмадиган даромаддан ошиб, боқимандаликдан тўлиқ қутулиш имкони юзага келади.

Иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суратларда ўсишини таъминлаш, аслида, мақсадда элтувчи йўналиш биринчи талабдир. Жалб этилаётган инвестицияларни қўлайтириш ҳисобидан таркибий ўзгаришларнинг давом этиши, иқтисодиётнинг энг муҳими тармоқларини техник ва технология жиҳатдан янгилаш, модернизация қилиш эса шунинг раволигини таъминляпти. Шу боис жорий йилдан эътиборан туманда саноат, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш-пудрат ишлари, чакана савдо, экспорт борасида жиддий ўзгаришлар учун етарли имкониятлар юзага келтирилди.

Бу ҳақда туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Сафар Саъидинов шундай фикр юртияди: — Яқинда ишга туширилиши режалаштирилган "Афросиёб" қўшма корхонасида гипс ишлаб чиқари-

лади. Бу иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир қўраштириши, шубҳасиз, Бунинг учун жамият томонидан Пекиндан қуввати 50 миң тонналик 392,3 миң АҚШ доллари қийматидаги ускуна олиб келинапти. Корхона ишга туширилгандан кейин биринчи йилда 1,4 миллион АҚШ доллари миқдоридо маҳсулот ишлаб чиқарилади. Тўлиқ қувват билан ишлаб бошлаган эса унинг ишлаб чиқариш ҳажми 3,4 миллион АҚШ долларига етказилади. Мажбур корхонадан маҳаллий бюджетга ундириладиган солиқ дастлабки йили 34,2 миллион сўмини ташкил қилса, 2010 йилга келиб 199,7 миллион сўмга етади.

Келгуси йили эса бир қўшма корхона фаолият кўрсата бошлайди. 6 миллион дўна гишт ишлаб чиқаришга мўлжалланган мажбур корхона ҳам бюджет маблағларининг қўпайишида, аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётгани 2008 йилнинг ўзида туман маҳаллий бюджетига қўшимча равишда 34,2 миллион сўм маблағ тушишини таъминляпти. Бу кўрсаткич 2010 йилга келиб 250,9 миллион сўмга етади.

А. САТТОВОВ.

Қашқадарё вилоятида ёз мавсумида турли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

ПРОФИЛАКТИКА ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Қарши — Керки давлат чегара пости, шунингдек, Муборак, Чакчак, Умақай, Мингчир постларидан олиб кириляётган барча озиқ-овқат маҳсулотлари текширувдан ўтказилмоқда. Чегара яқинидаги маҳсулотларни текширувдан ўтказилмоқда. Чегара яқинидаги маҳсулотларни текширувдан ўтказилмоқда. Чегара яқинидаги маҳсулотларни текширувдан ўтказилмоқда.

Вилоят давлат ветеринария бошқармаси маълумотларига қўра, мажбур 244 та зооветеринария пункти аҳоли, фермерлар, ёрдамчи ҳўжаликлар қарамонидоги чорва ҳайвонлари ва паррандаларини ўз вақтида эмлаш ишларини олиб боришмоқда. Кўйдирги, яшур, бруцеллез, оспа ва бошқа ўта хавфли касалликлар бўйича барқарор эпизотик ҳолат таъминланди.

Кўйдирги касаллигидан дунёда ҳар йили қарийб 2 миллион бош ҳайвон ноубуд бўлади, — дейди вилоят давлат ветеринария бошқармаси бошлиғи Нодир Имомов. — Бунинг олдини олиш мақсадида қорамол, қўй-эқилар, от, туя ва бошқа уй ҳайвонларини эмлаш тадбирларига алоҳида маъсулият билан ёндашилмоқда. Давлат ветеринария бошқармаси ва «Зооветтаъминотхизмат» маъсулияти чеklangан жамияти томонидан келтирилган 1 миллион 369 миң 450 доза кўйдирги касаллигига қарши вакциналардан фойдаланиляпти. Қўшни давлатлар билан чегарадош Девқонобод, Қўзор, Нишон, Миришкор, Китоёб, Шаҳрисабз туманларида чорва моллари яшур ва бруцеллез касалликларига қарши эмлаб бўлинди.

Турли юқумли касалликлар тарқалишига йўл қўймайлик, барқарор санитария-эпидемиологик ҳолат сақлашини учун бозорларда сохтаётган гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини текшириш ҳамда назоратлаш ишлари янада қўлайтириляпти.

А. МУҲАММАДИЕВ, ўза мухбири.



ХАМКОРБАНК

АКЦИЯДОРЛИК - ТИЖОРАТ БАНКИ

Яқинлаштирмакда. Ушбу шуққули кунларда ҳар бир инсон, ҳар бир жамоа ўз меҳнатининг сарҳисобини қилишга интилади. «Ватан олдида нима қилдик?», «Унинг равнақиға ўз ҳиссамизни қўша олаямизми?» каби саволлар ҳар бир инсоннинг хаёлидан ўтиши турган гап.

Ўтаётган ҳар бир кун, ҳар бир соат, ҳар бир дақиқа бизни Ватанимиз мустақиллигининг шарафли 17 йиллик тўйига тобора яқинлаштириб боради. «Ватан олдида нима қилдик?», «Унинг равнақиға ўз ҳиссамизни қўша олаямизми?» каби саволлар ҳар бир инсоннинг хаёлидан ўтиши турган гап.

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

«Хамкорбанк»ка янги имкониятлар эшигини очмоқда

«Хамкорбанк» ОАТБ жамоаси ҳам энг улғу, энг азиз байрамининг арафасида миллий иқтисодий тизимни ривожига, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга қандай ҳисса қўшганини сарҳисоб қилди. Орта назар ташланса, биргина банк томонидан эришилган муваффақиятлар анчагина залворли. Мухтасаргина мақоламизда «Хамкорбанк»нинг мамлакатимиз молия бозоридаги дадил қадамлари ва эришган салмоқли ютуқлари ҳамда халқаро миқёсда эътироф этилаётгани хусусида сиз газетхонлар билан ўртоқлашмоқчимиз.

Айтиш жоизки, ушбу молия муассасаси ҳам Истиклол йилларида шаклланиб, қисқа фурсатда ўз ўрни ва мавқеига эришган банклардан бири ҳисобланади. Турли банк хизматлари сифатининг муттасил ошириб борилиши эвазига «Хамкорбанк» нафақат молия бозоримизда, балки миллий иқтисодий тизимда ҳам ўзининг мавқеини мустаҳкамлаб олди. Мижозлар ишончига кирди. Аҳоли орасида йирик молия муассасаси сифатида эътибор қозонди. Шундан бўлса керак, бугунги кунда мамлакатимизнинг турли бурчаларида «Хамкорбанк»нинг 24 филиали ва 63 та минибанки, 85 та жағмарга бўлимининг самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг миқозлари сони ҳам 50 мингдан ошиб кетди. Кайд этиш керакки, банк тизимида миқозларга янги банк хизматларини тақдим этиш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалиётини жорий этишни кенгайтириш, кре-

дит портфелини ошириш ва сифатини яхшилаш, аҳолига микрокредитлар бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, валюта сибсатини такомиллаштириш, кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш борасида амалга оширилган кенг қамровли ўзгаришлар банк нуфузини янада оширишга ва аҳоли ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Албатта, қўлга киритилаётган муваффақиятларга ўз-ўзида эришилмайди. Бунинг бир неча омиллари ва ўзига хос хусусиятлари бўлади. Шулардан энг муҳими, банк капиталлашув даражасини оширишни ўз фаолиятининг устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб олганидир. Чунки капиталлашув даражасининг юқорилиги унинг активлари ҳажмини ошириш, кредитлаш имкониятларини кенгайтириш, рақобатбардорлигини таъминлаш каби чора-тадбирларнинг молиявий асосини ташкил этади. Соддароқ қилиб айтганда, банкка миллий ва халқаро молия бозоридан эркин фаолият юритиш имкониятини яратди.

Мижозларга тақдим этилаётган молиявий хизмат турлари қўлгайланганлиги, ходимлар билим ва тажрибасининг доимий ортиб бораётганлиги ҳам банк эришган муваффақиятларнинг асосий негизи ҳисобланади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, «Хамкорбанк» эришаётган муваффақиятлар нафақат мамлакатимизда, балки бир қатор хорижий экспертлар ва рейтинг агентликлари томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, «Fitch Rating» халқаро рейтинг агентлиги банкка ўзининг узоқ муддатли эмитентнинг дефолт рейтингини («ЭДР») — «Барқарор» прогностли «В» рейтингини, қисқа муддатли «В» ЭДР, «Д/Е» индивидуал рейтингини, «5» қўллаб-қувватлаш рейтингини ва узоқ муддатли «ЭДР» қўллаб-қувватлаш даражаси — «қўллаб-қувватлаш даражаси йўқ» рейтингларини берди. Бу эса банк жаҳон молия бозоридан ҳам ўзининг ўрнини топишга интилаётганини аниқлатади. Қолаверса, халқаро даражадаги эътирофга сазовор бўлиш банк фаолиятининг барқарор натижалари, даромад кўрсаткичларининг изчиллиги, миқозлар сонининг қўлгайиб бориши, бой тажрибага, шунингдек, миллий иқтисодий тизимда таҳкам мавқега эгалигининг ёрқин намоийишидир. Бундан ташқари, халқаро эътироф «Хамкорбанк»ка дунёнинг нуфузли молия муассасалари — Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ), Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, КФВ банки, Landesbank, Коммерсбанк, шунингдек, МДХ ва Европанинг бир қатор банклари билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга туртки беради.

Шу ўринда гапимизнинг далили сифатида «Хамкорбанк»нинг халқаро алоқалари ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсак. Банк халқаро кредит ташкилотлари — Халқаро молия корпорацияси ва Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликни ривожлантириш орқали кредитлаш қўламини янада кенгайтирди. Шу кунга қадар «Хамкорбанк» ушбу халқаро молия муассасаларининг 4 та кредит линиясини ўзлаштирди. Жумладан, банк ЕТТБнинг кредит линияси орқали микрокредитлар бериш-

ЖАҲОН 24 соат ичида

Хавфсизлик чоралари кўрилди

Венгрия пойтахти Будапешт аҳолиси оммавий тарзда ўз уйлари тарқ этишга мажбур бўлишди.

Ҳарбий юриш натижаси

Кеча НАТО халқаро кучлари Афғонистоннинг жануби-шарқидagi Пактика музофотида бир гуруҳ жангариларга қарши ҳарбий юришларни амалга оширдилар.

Самодаги энг ёрқин юлдуз

Киноот марказида ёрқин юлдуз топилди. Бу юлдуз Германиянинг Потсдам университети астрономлари олиб борган тадқиқот ишлари натижасида кашф этилди.

Транспорт ҳодисаси

Мисрда йирик йўл транспорти ҳодисаси содир бўлди. Кўча бўйлаб ҳаракатланаётган автобус поезд билан тўқнашиб кетди. Фожиа оқибатида камиди қирқ киши ҳалок бўлган, яна олтишга яқин йўловчи жиддий жароҳатланган, дея хабар беради «Интерфакс».

МАҚСАД — МИЖОЗЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ

«Ўзбектелеком» АКнинг «Toshkent Shahar Telefon Tarmog'i» филиали тақдим этилаётган хизматлар сифати, корхона фаолияти кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Зотан, миқозлар талабини инobatта олган ҳолда, уларга қўлай хизматлар тақдим этиб бориш корхонанинг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

Ана шу мақсадда жорий йилда ҳам янги хизматлар ишлаб чиқилиб, амалиётга таътиқ қилинаётган. Улар истеъмолчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. «Йил янгилиги» дея эътироф этилаётган телефон орқали суҳбатдош билан бир вақтнинг ўзида ҳам мулоқот қилиш, ҳам уни кўриш имконини берувчи видеоалоқа чиндан-да ҳайратланарлиқдир. Эътиборлиси, видеотелефон миқозларга фойдаланишлари учун бепул тақдим этилаётган.



лағлари мавжудлиги ҳақида маълумотни телефон орқали олиш янги хизмат турини жорий қилди. Бунинг учун миқоз уй телефонидан 058 рақамига кўнғир-

роқ қилса киёф. Ушбу хизмат ҳам бепул тақдим этилади. Рақамни аниқлаб берувчи телефон аппаратидан фойдаланувчи миқозларимиз ким кўнғирок қилганини кўрсатиб бериш хизматидан фойдаланиши мумкин. Шунингдек, ҚХТ сирасига конференцалоқа, чақирқиңи бошқа манзилга ўтказиш, исталмаган кўнғирокларни қабул қилмаслик каби хизмат турларини ҳам киритиш мумкин. Ҳозирда бундай хизматлардан фойдаланувчилар сони тобора ошиб бораётган. Бу, ўз навбатида, хизматлар ҳақининг арзонлигига ҳам боғлиқ. Чунки унинг нархи оймағ ўртача 200-300 сўмга тенг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

бўлим/филиалларида маълумотларни узатиш корпоратив тармоғи (МУКТ) усқуналарини қисман алмаштириш/ модернизациялаш учун усқуналарни етказиб бериш бўйича ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендерда иштирок этиш тўрисидаги аризалар (банк белгиланган шакл бўйича) юридик шахслардан қабул қилинади.

Тендерда қатнашиш учун бюртманомалар юборган шахсларга тендер ҳужжатлари ушбу эълон чиққан санадан кейин 7 кун мобайнида берилади.

Олинган тендер ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат тақлифлари (оферталар)ни қабул қилиш бу тақлифлар қандай шаклда юборилганидан (почта орқали жўнатилгани ёки шахсан келтириб берилганидан) қатъи назар, ушбу эълон чиққан санадан сўн 33 календар кўни ўтганидан кейин соат 17.00 да тўхтатилади.

Бюртманома шаклини ва тендер ҳужжатларини олиш, шунингдек, тижорат тақлифлари (оферталар)ни юбориш учун манзил: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳуқчаси, 101-уй, «Узмилибанк»нинг бош маъмурий биноси. Телефон: 234-42-86. Интернет-сайт: www.nbu.com

Мулоқот қилувчи шахс — Ольга Леонидовна Блохина.

ООО «Росагропромснаб» предлагаєт:

СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Гобой-1» СЧЕТЧИКИ ГАЗА вихревые СВГ.М

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на поставляемую продукцию — 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие устанавливает краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.

Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, к-л 6, д. 2 (Ор-р — метро «М. Улугбек») Товар сертифицирован. Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР

ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ «КЧМ»

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ, КПД ОТ 79 ДО 90%

Преимущества чугунных котлов: наибольший срок службы среди других типов котлов конструкция, проверенная годами проработанная производственная технология несложное обслуживание и уход низкие требования к дымовой тяге широкий модельный ряд универсальность (возможность работы на разных видах топлива) более высокое рабочее давление высокий КПД, достижимый для других котлов

КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный) САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте) ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04

Торговый магазин, ул. Уста Ширин, 125, внутри строительного рынка № 127

SONATA Ўз йўлингни танла!

КАФОЛАТ — 2 йил. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Official Partner Tel. 250-11-11


Ибрат

Ўзбекистон туманидаги «Умид» фермер хўжалиги жамоаси мустақиллигимизнинг 17 йиллиги байрамини зўр кайфият, юқори натижалар билан қарши олаётган.

«Умид»нинг ҳиммати

Спорт • Sport • Спорт

Боксчиларимизнинг ўнта медали



Ўзбекистонлик боксчилар дунёнинг турли бурчакларида ўтайдиган халқаро турнирларда доимо пешқадамлар сафига юришган.

Қозғистоннинг Кескелен шаҳри мезбонлик қилган йиллик халқаро турнирда ҳам улар ўз аъёнларига содиқ қолишди.

Мусобақа якунида йилгиларимиз битта олтин, тўртта кумуш ва бешта бронза медалларни қўлга киритдилар. Жумладан, Фарход Исмолов (86кг.) олтин, Шаҳром Ғиёсов (50 кг.), Рустам Назаров (60 кг.), Максат Сатимов (75 кг.), Бобурмурзо Ғуломов (80 кг.) кумуш, Бахтиёр Қудратов (48 кг.), Бахтиёр Машарипов (60 кг.), Даврон Абдураҳмонов (63 кг.), Баҳодир Юсупов (66 кг.) ва Мирзабек Ҳасанов (75 кг.) лар бронза медаллари совриндори бўлишди.

Самуэль Это'О Тошкентда

Камерун термаси ва Испаниянинг "Барселона" жамоаси ҳужумчиси Самуэль Это'О кеча Тошкентга келди. Ташрифдан қўзланган мақсад, миллий чемпионатимиз пешқадами — "Қурувчи" жамоаси билан музокара олиб бориш эди.



Сарвар ҲУСНОВ (ЎЗА) олган сурат.

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" мейдонхонасида Самуэль Это'О иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.


Унда камерунлик футболчининг миллий чемпионатимиз етакчиси — "Қурувчи" жамоасига трансфер қилиниши ҳақидаги масалага оидинлик киритилди.

— Менга "Барселона" жамоаси раҳбарияти турли клублардан таклифлар ва қизиқишлар бўлаётганини айтиди, — дейди Самуэль Это'О. — Улар орасида "Қурувчи" жамоасидан тушган таклиф ҳам бор эди. Шу сабабли жамоа билан яқиндан танишиш учун Тошкентга келдим. Хамроҳларим билан таклиф ва бу ердаги вазият билан икки кун давомида танишиб чиқаман ва шанба кuni "Барселона"га йўл олам. Якуний жавобимни клуб раҳбариятига айтаман.

Миллий чемпионатимиз МДХ ва Осиёда биринчи

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси дунёдаги энг кучли футбол чемпионатларининг янги рейтингини эълон қилди. Рейтингда Ўзбекистон миллий чемпионати йигирма бешинчи ўриндан жой олган. У Осиё ва МДХ мамлакатлари чемпионатлари ичда биринчи ўринда қайд этилган.

З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.



ИСЛОҲОТЛАР ТАШАББУСГА УНДАЙДИ

Зотан, бугун мустақил мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида таълим даргоҳлари амалда юксак даражада эъзозланмоқда. Зеро, Ўзбекистоннинг келажакда буюқ давлат бўлиши малакали мутахассис кадрларга боғлиқ. Шу боис бу масалага истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ алоҳида эътибор қаратила бошланди.

Хоразм вилоятида ҳам кейинги йилларда халқ таълими соҳасида амалга оширилган ишлар ҳар томонлама таҳлил этилса, бу борадаги ислохотларнинг қувонарли самаралари кўз олдимизда намён бўлади. Вилоятдаги 434 та мактаб 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига киритилган бўлиб, улардан 4 таси янгидан қурилади. 2004-2007 йилларда 250 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Ушбу мақсадларга 31,5 миллиард сўм маблағ сарфланди. Қўркам, замонавий қиёфа касб эътабтан мактаблар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Жорий йилда вилоятда 95 та, жумладан, битта янги мактаб қуриш, 31 тасини капитал ре-

конструкция қилиш, 45 тасини капитал ва 18 тасини жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Бу рақамлар ортда нечоғли эътибор, ёш авлодга ғамхўрлик турибди. Энг муҳими, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ижросини таъминлаш бошқа жойларда бўлганидек, Хоразм воҳасида ҳам умумхалқ ҳаракатига айланди. Зеро, мактабларни таъмирлаш ишларига маҳаллий ҳокимликлар, ҳимий ташкилотлар, фермер хўжаликлари, ота-оналар ҳам бош қўлишяпти. Фақат бугина эмас, вилоятдаги мактабларда таълимнинг юқори даражада самарадорлигини таъминлаш борасида ҳам эътиборга молик ишлар олиб боришмоқда. Бунда мактаблардаги дарслар, машғулотларнинг сифати муҳим аҳамият касб этмоқда. Таълим жараёнида янги педагогик технологияларни жорий қилиш, ўқувчиларга пухта билим бериш, ўқитувчилар малакасини ошириш, мактабларни янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари билан тўлиқ таъминлашга жиддий эътибор қаратилган. Мактаб кутубхоналари ҳар йили янги ада-

битлар билан бойитилмоқда. Ўқувчиларни ижара усулида дарсликлар билан таъминлаш тажрибаси эса ҳар жиҳатдан ўзини оқлади. Айниқса, биринчи синф ўқувчиларига 12 номдаги ўқув қўлланмаларининг аъёнлиги тарзда Президент соғаси сифатида ҳада этилиши улардаги ўқини рағбатни кўайтирмоқда.

— Бугунги ўқувчиларга ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди, — дейди шовотлик муҳандис Азамат Бекмуҳаммадов. — Бизнинг давримиздаги мактаблар пасткам, парталаримиз ўшбоисиз эди. Лаборатория, компьютер, ахборот-ресурс маркази деган гапларни умуман эшитмаганмиз. Президентимизга раҳмат! У кишининг ташаббуси билан фарзандларимиз учун нафақат муқтадам мактаблар қуриляпти, балки даргоҳларимиз учун муқаммал жиҳозлар ҳам келтириляпти. Болаларимиз биология, физика, кимё каби фанларни замонавий технологиялар асосида ўзлаштирмоқда...

Азамат аканинг бир олам қувонч билан айтган бу гаплари бежиз эмас. Зеро, таълим сифатини яхшилашда

мактабларнинг замонавий жиҳозланиши ниҳоятда муҳим. Бу борада ҳам вилоятда кўламли ишлар амалга оширилди. 2005-2007 йилларда жами 249 та умумтаълим мактаблари замонавий мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, 223 таси энг сўнгги русумдаги компьютер техникаси ва спорт анжонлари билан жиҳозланди. Бу мақсадларга 15,2 миллиард сўм маблағ сарфланди. Бундай саъй-ҳаракатлар болалар учун зарур шарт-шароит яратиш, чуқур билим олишлари учун қилинмоқда. Натижалар эса ёмон эмас, йилдан-йилга ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларининг сифат даражаси ўсиб бораёпти. Масалан, кейинги йилларда республика фан олимпиадаларида иштирок этиб, фохри ўрин-

минг нафарга яқин ўғил-қиз 105 та касбий йўналишда ҳўнар ўрганмоқдалар. Вилоятда 1998-2007 йилларда 29 та янги коллеж бунёд этилди. 43 таси капитал реконструкция қилинди. Бу ишларга 240 миллиард сўмга яқин бюджет маблағлари сарфланди. Энг муҳими, бугунги кунда касб-ҳўнар коллежлари чекка қишлоқларда ҳам қад ростилаётгани боис йилгит-қизлар узоққа бормай, ўз қишлоқларида билим олиб, ҳўнар эгалламоқдалар.

— Биз коллеж нима, лицей нима — билмасдик. Билганимиз, эслайдиганимиз шуки, заҳ, қоронғи синфларда ўқирдик. Дарсликлар етишмасди. Спорт зали, хозиргидек қўркам ўқув бионари хатто тушимизга ҳам кирмасди. Мана, биз кўрмаган қўнларни болаларимиз кўришяпти. Уларга билимли ва ҳўнарли бўлишлари учун яратилаётган шарт-шароит ёшимизга ёш, кўчимизга кўч қўшапти, — дейди ангариклик уста қурувчи Ол-лаберган Отажонов. — Мен Таган қишлоғида барпо этилаётган янги маишй хизмат касб-ҳўнар коллежи қурилишида ишлаяман. Бу ерда замонавий синф хоналаридан ташқари, ахборот-ресурс хонаси, ўқув устанона-лари, умуман, барча-барча зарур имкониятлар яратилаёпти.

Мамлакатимизда улўқисиз таълимнинг жорий этилиши маънавий бой ва мустақил фикрловчи, ватанпарвар авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Улўқисиз таълимни шакллантириш мақсадида тамомила янгича ўқув юртлари — академик лицейлар, касб-ҳўнар коллежлари барпо этилди. Ушбу таълим муассасалари юқори малакали педагог кадрлар билан таъминланди.

Бугунги кунда вилоятда 74 та касб-ҳўнар коллежи ва 4 та академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Уларда 75

Бу ютуқлар, эришилаётган марралар, ҳаётга татбиқ этилаётган истиқболли ислохотлар сизу биз учун, фарзандларимиз учун хизмат қилажагини асло эздан чиқармаслигимиз лозим. Зеро, юртимизда вужуд қелган янги таълим тизими, бу соҳада эришилаётган муваффақиятлар ҳам истиқлолимиз шароитидир. Хоразмлик ёшлар бундай эътиборни чуқур англаган ҳолда келгусида ўзлари ҳам эътирофга молик янгилик яратишга, элим деб, юртим деб ёниб яшаш шарафига мушарраф буладилар. Бунга ишонганимиз комил.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Advertisement for NURON servers and computers. Includes text: 'Успех-дело техники!', 'FUJITSU COMPUTERS SIEMENS', 'NURON', 'Всемирная гарантия 3 года', 'Серверы и компьютеры для решения любых задач', 'Производительность', 'Сделано в Германии', 'Товар сертифицирован'. Address: ул. Лисунова, 2. Тел. (+99871) 294-60-60. E-mail: sales@nuron.uz

Advertisement for skywin winter garden systems. Includes text: 'skywin', 'Skywin — эксклюзивный лицензионный партнер фирмы Schüco', '100031, г. Ташкент, ул. Афросиаб, 2, офис 14.', 'Зимний сад', 'Индивидуальные системы зимних садов фирмы Schüco: - архитектура и дизайн из стекла и солнечного света; - высококачественные долговечные материалы; - оптимальная вентиляция и теплоизоляция.', 'Ваш поставщик оконных, дверных и фасадных систем.', 'SCHÜCO', 'Поставка продукции только под заказ.'

ДИҚҚАТ: АКЦИЯ!

ФАҚАТ ИЮЛЬ ОЙИДА УЛАНГАНЛАР УЧУН! "Мистер Бонус!"


ЙИЛ ОХИРИГА ҚАДАР!

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ БАРЧА ҚЎНҒИРОҚЛАРГА

+1200

БЕПУЛ ДАҚИҚАЛАР

Бонус ортиқча бўлмайди



PerfectumMobile

(8598) 305-1111

Advertisement for air conditioning services. Includes text: 'Гувоҳнома №001-178', 'УСТАНОВКА И РЕМОНТ КОНДИЦИОНЕРОВ', '«ЗИМА-ЛЕТО» СПЛИТ-СИСТЕМА', 'ПРОЕКТИРОВАНИЕ. МОНТАЖ ПОСЛЕГАРАНТИЙНОЕ ОБСЛУЖИВАНИЕ', 'Работаем по всей территории РУ', '357-83-00, 128-04-02, 167-95-49'

Advertisement for Ochiyoy clinic. Includes text: 'Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамаси Аппарати жамоаси масъул ходим Азим Дурдиевич Жўраева онаси ОЧИЙОЙ аянинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.', 'ЎзРФА «Ботаника» ИИЧМ жамоаси ЎзРФА академиги, ўсимликлар молекуляр биологияси лабораториясининг мудири, биология фанлари доктори Аҳмад ИБРАГИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.', 'Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси ўзбек, рус ва лотин тили кафедрасининг катта ўқитувчиси Замира Расуловага турмуш ўртоғи Шавкат МИРЗАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.', 'Ўзбекистон Фанлар академияси Биокимё институти жамоаси илмий ходимлар Элъвира ва Одил Ибрагимовларга падари бузрукворлари академик Аҳмад ИБРАГИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.'

Advertisement for 'Халқ сўзи Народное слово'. Includes text: 'МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамаси'

Advertisement for Boz muharrir Utkir RAHMATOV. Includes text: '2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 26421 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2', 'ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.'

Advertisement for 'Шарқ' newspaper. Includes text: 'Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тогаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.', '«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6 8'

Advertisement for Manzilimiz. Includes text: '• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ханидов. Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров. Навбатчи — Қ. Хидиров. Мусахҳах — Х. Топхўжаев.'